




ШАҲАР  
ИЖТИМОЙ-  
СИЁСİY  
ГАЗЕТАСИ

O'ZBEKISTON  
RESPUBLIKASI  
MILLIY KITOB PALATASI

№ 130 (9.474) 2000 йил 3 ноябрь, жума

# ТОШКЕНТ

# ОБШОМ



ДАВР САДОСИ  
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГИ ХАБАРЛАР

## МАМЛАКАТИМИЗДА

- Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Оқсарой қароғида Америка Қўшма Штатларининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси этиб тайинланган Жон Эдвард Хёрбстдан ишонч ёрлигини қабул қилиб олди.
- Президент Ислам Каримовга Франция Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси этиб тайинланган Жак Андре Костиль ҳам ишонч ёрлиги топширди.
- Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов «Ўзқиллоқ» ҳужайирига «Ўзқиллоқ» Давлат-кооператив кўмитасини «Ўзқиллоқ» уюшмаси этиб ўзгартириш тўғрисидаги Фармонга имзо чекди.
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Қишлоқчилик» шартларида қишлоқ ҳўжалиги техникаси билан таъминлаш «чора-тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилди.
- Кеча Тошкентда қишлоқ ҳўжалиги кредити Халқаро Конфедерацияси (КИКА)нинг ўттинчи бош ассамблеяси ўз ишини бошлади. Айни пайтда 36 мамлакатни қамраб олган 165 та банк ва қишлоқ ҳўжалиги йўналишидаги молия ташкилотлари КИКАнинг аъзоларидир.
- Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида Швейцария Конфедерацияси Федерал маҳалласи, мамлакат Федерал молия департаменти вазири Каспар Виллегер бошчилигидаги делегация аъзолари билан учрашув бўлиб ўтди.
- Жаҳон иқтисодий ва дипломатия университети қошидаги «Бизнес олами» ўқув маркази Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда пойтахт мактаблари директорларининг маънавий-маърифат ишлари бўйича ўринбосарлари иштирокида семинар-кеңаш ўтказди.
- Тошкент автомобиль йўллари институтида Марказий Осиёда автомобиль йўллари мажмуини ривожлантириш ва унинг самарали фаолияти муаммоларига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.
- Бугун Дидор» галереясида Исроил давлатининг Ўзбекистондаги элчихонаси томонидан ташкил этилган «Қушлар чегара билмайдилар» мавзуда очилган фотокўргазма ниҳоятга етди.
- Ҳамза туманидаги касб-ҳўнар политехника коллежидан АКШ ва Буюк Британия давлатларида нишонланган «Halloween» (Хеллоуэн) байрами ўтказилди.
- Тошкентдаги Есенин музейида Шухрат Бобоқоновнинг Қорақум саҳраларида намойиш этилган кўргазмаси яқунларига бағишланган мунозара кечаси бўлиб ўтди.
- Халқ таълими вазирлиги бешинчи синфлар учун мўлжалланган «Кимматли қўланма» деб номланган янги дарсликни чиқарди. У ўзбек олимлари ва педагоглари томонидан Германиянинг Гёте институти жалб этган немис мутахассислари билан ҳамкорликда тайёрланди.
- Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ташаббуси билан «Ватан мустақилиги — менинг ҳиссам» мавзуда давра суҳбати ўтказилди.
- Тошкентдаги МХСК спорт мажмуида бўлиб ўтган таълимчи ўзбек генерали Собир Раҳимов хотирасига бағишланган юнон-рум кураши бўйича аъяновчи халқаро турнир ўзбекистонлик полковларнинг ишончли қалабаси билан яқунланди.

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган № 130 (9.474) 2000 йил 3 ноябрь, жума Сотувда эркин нархда

**Соғлом миллат мамлакат раванки ва гуллаб-яшнашининг муҳим омилларидан саналади. Ана шу боисдан ҳам Ўзбекистон мустақилликка эришган давллат кундан бошлаб инсон саломатлигини мустаҳкамлаш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш ва даражасини ошириш борасида давлат даражасида кенг қўламдаги ишлар амалга оширилмоқда. Маълумки, мамлакатимизда кўп болали оилалар кўпчиликини ташкил этади. Ана шу боисдан олганда оналар ва болалар саломатлигини сақлаш юзасидан амалга ошириладиган саъй-ҳаракатлар ҳар қанча диққатга сазовордир.**



2000 — Соғлом авлод йили

## ФАРЗАНДЛАРИ СОҒЛОМ ЮРТ ҚУДРАТЛИ БЎЛУР

Шу жиҳатдан олиб қараганда мустақил давлатимизнинг пойтахтида олиб бориладиган кенг қўламдаги ишлар, аҳоли саломатлигини сақлаш борасида қилинаётган саъй-ҳаракатлар ҳам салмоқлидир. Бинобарин Тошкентдаги Ўзбекистон Республикаси Ақшерилик ва гинекология институтининг илмий-тадқиқот институти қошида «Оила ва никоҳ» илмий маслаҳат марказининг очилганлиги Ўзбекистонда аёллар ва болалар саломатлигини сақлаш борасида амалга ошириладиган салмоқли ишларга яна бир ёрқин далил бўла олади.

Утган кун ана шу «Оила ва никоҳ» марказининг очилиш маросими бўлди. Уни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Феруз Назиров очди.

«Соғлом авлод учун» халқаро жағмарамининг президенти Татьяна Каримова рамзий тасмани кесди.

Маълумки, Ўзбекистоннинг айрим ҳудудларидаги мураккаб экологик вазият аҳоли ўртасида айрим касалликларнинг кўпроқ учрашига сабаб бўлмоқда. Бу нарса айниқса аёлларимиз ўртасида кўзга ташланмоқда. Улар жигар, юрак-қон томир, ўпка хасталиқларига, сунуқлиқ буйрак касалликларига чалинмоқдалар. Ана шундай хасталиқлар пайtida аёлларимизнинг ҳомиладор бўлиши уларнинг аҳолини қийинлаштириб, нафақат уларнинг ҳаёти ва соғлиги учун, балки туғилмақ фарсад учун ҳам хавф уйғотади. Бир ёшга етмагандан болалар ўртасида ўлимнинг кўпайиши, ногирон бўлиб туғилиш, чала ва енгил вазн билан туғилиш сингари далиллар ана шу оимиллар билан боғлиқдир. Ана шу жиҳатдан олганда аёллар ўртасида кенг тўшунтириш ишлари олиб бориш, уларга зарур тиббий хизматлар кўрсатишга эътиборни қаратиш айниқса муҳим аҳамиятга эга. Шу жиҳатдан олиб қараганда «Оила ва никоҳ» илмий маслаҳат марказининг очилиши мамлакатимизда аёллар ва болаларнинг соғлигини сақлаш йўлида қўйилган яна бир муҳим қадамдир.

Жаҳон олимлари аллақачонқ туғилар орасидаги муддат энг камида 3 йил бўлиши кераклигини эътироф этганлар. Маълумки ана шу даврда аёлларнинг организми бундан олдин фарзанд туғилишидан кейин ўтган давр ичиде ўзини тиклаб олади ҳамда навабдаги ҳомиладорлик ва туғиш жараёнига тайёр бўлади. Бу ерда яна шунинг ҳам таъкидлаш керакки халқимизнинг ўзига хос жиҳатларидан бири унинг болажонлигида, сер фарзандлигидадир. Лекин шу ўринда бир нарсаи асло эсдан чиқармаслик керак, яъни тиббий қоидаларга риоя этиш даркор. Кейинги йилларда аёллар ўртасида ана шу қоидаларга муайян даражада риоя қилинаётганлиги кўзга ташланмоқда. Янги, замонавий оилаларда камроқ бўлса-да бирик соғлом фарзандлар туғилиши қайд қилинмоқда.

«Оила ва никоҳ» илмий маслаҳат марказига ўрнатилган ускуналар дунёнинг етакчи мамлакатларидаги ана шундай тиббий муассасаларга ўрнатилган жиҳозлардан асло қолмайди. Бу ерда Австрия, Германия, Швейцария ва бошқа мамлакатлардан келтирилган замонавий ускуналар ўрнатилган. Ушбу шифо мақсани бир кунда 250 нафар беморга малакали тиббий хизмат кўрсатиш имкониятига эга. Бу ерда нафақат туғиш ёшидаги аёллар, балки балоғат ёшигача бўлган қизлар ҳам тиббий қўриқдан ўтказилиб, уларга зарур маслаҳатлар берилади. Марказга ўрнатилган асбоб-ускуналар аёлларнинг ҳомиладорлик даврида учрайдиган касалликларини ўз вақтида аниқлаш имкониятига эга. Бу ерда юксак малакали мутахассислар меҳнат қилишади. Мана шу ерда «Оила ва никоҳ» илмий маслаҳат маркази ҳақидаги ҳикоятимиз мўхтасар қилиб, сўзимизни фарзандларимизга кўрсатаётган ана бир гаҳмўрликка қаратмоқчимиз. У ҳам бўлса шу йилги Тошкентда бунёд этилиши бошланган «SOS-Болалар маҳалласи»даги ишлар ҳақидаги ҳикоятимиз давом эттирамиз. Маълумки, ҳозирги вақтда бу ердаги бунёдкорлик ишлари ниҳоятга етказилди. 5 гектар ерга ажратилган жойда 14 та оилавий кotteжлар, болалар боғчаси, маъмурий бино, меҳмонхона ва бошқа иншоотлар қурилди.

1998 йили мамлакатимиз ҳукумати билан Халқаро «SOS-Kinderdorf International» жамияти ўртасида имзоланган шартномага мувофиқ «Ўзбекистонда SOS-Болалар маҳалласи» ассоциацияси ташкил этилган эди. Бу ассоциация мамлакатимизда Халқаро «SOS-Kinderdorf International» лойиҳаларини ҳаётга татбиқ этиш билан шугулланади. Маълумки, пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманида бунёд этилажак ушбу дастлабки Болалар маҳалласига биринчи пойдевор қўйилиш маросимида Халқаро «SOS-Kinderdorf International» жамиятининг президенти жаноб Гельмут Кутин ҳам иштирок этган эди. Жорий йилнинг январь ойидан бери ўтган муддат мобайнида ушбу Болалар маҳалласида ажойиб иншоотлар бунёд этилди.

— Биз ушбу Болалар маҳалласини саккиз ярим ой мобайнида бунёд этдик ва уйлайманки ишимиз жуда ҳам самарали бўлди. — деб ҳикоя қилади Халқаро «SOS-Kinderdorf International» қурилишининг бош директори жаноб Вильфрид Шикс. — Ҳар бир кotteжда саккиз на-



**СУРАТЛАРДА: «Оила ва никоҳ» илмий маслаҳат марказида; Болалар маҳалласида бунёд этилган кotteжлар. Тохир Нигматуллин олган суратлар.**

## ЖАҲОНДА

- АҚШнинг навабдаги Президенти ким бўларкин? Шу кунларда ушбу савол кўпчилигини диққат марказида турибди. Яна тўрт-беш кундан кейин бу муаммо ечимини топади. Янги Президент ким бўлганда ҳам бу ном бизга таниш уч харфдан иборат: Гор ёки Буш. Улар ҳозир сайловда тadbирларга зўр беришмоқда. Биргина октябрь ойининг ўзида номзодларнинг ҳар бири бундай тadbирларга 15 миллион АҚШ доллари сарф қилишган.
- Кеча «Союз ТМ-31» кемасининг халқаро фазовий станция билан бириктув муваффақиятли ўтди.
- Кеча Фаластин раҳбари Е. Арофат ва Исроил Бош вазири Е. Барак икки мамлакат ўртасида тинчлик ва тартиб ўрнатиш ҳақида ўз халқига мурожаат билан чиқиди.
- Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик Катта театрининг Малайзия пойтахти Куала-Лумпурдаги гастроль сафарлари муваффақиятли яқунланди.
- Хитойда аҳолини рўйхатга олиш тadbiri бошланди.
- «Курск» атом субвени кемаси ҳалокатининг аниқ сабаблари кема денгиз тубидан кўтарилганидан сўнгги маълум бўлади. Кема эса 2001 йилда юзага олиб чиқилади. Лондонга ташриф буюрган Россия хавфсизлик кенгаши котиби Сергей Иванов шундай деди.
- Молдова Президенти Пётр Лучинский сайлов тизими билан боғлиқ янги қонунга имзо чекди. Унга қўра энди Молдова Президенти умумхалқ овоз бериш йўли билан эмас, балки мамлакат парламенти томонидан сайланади.
- Сингапур авиакомпаниясига қарашли «Боинг-747» йўловчи самолети ҳалокатга учради. Натихада 78 киши ҳалок бўлди, 85 киши жароҳатланди.
- Япония денгиз хавфсизлиги бошқармаси Хиндистон ва Малайзия билан денгиз қарқорчилиги қарши курашиш бўйича ҳамкорликда машқ ўтказишга қарор қилди.
- Буюк Британиядаги довул ҳозирча 6 кишининг ўлимига сабаб бўлди. Мутахассислар мамлакатнинг табиий офатдан қўриқадиган зарари 200 миллион фунт стерлингга етиши мумкинлигини тахмин қилмоқда.
- Кеча Доруссалом маркази бозориде портлаш рўй берди. Натихада икки киши оламдан ўтди, 10 га яқин киши жароҳатланди.
- Бугун Эрон Президенти Хотамийнинг Японияга ташрифи яқунланди.
- Бугун Римда инсон ҳуқуқлари бўйича Рим конвенциясининг 50 йиллиги тантана қилинади.
- Кеча Владимир Крамник Гарри Каспаров билан бўлган 15-тур ўйинида дуранг натижага эришиб, шахмат бўйича жаҳон чемпионилигини қўлга кўрибди.
- Бугун Венгрия пойтахти Будапештда бокс бўйича ёшлар ўртасида жаҳон чемпионати бошланди. 13 ноябрга давом этадиган ушбу чемпионатда Ўзбекистон терма жамоаси ҳам қатнашади.

## СУД ЖАРАЁНИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Авал хабар қилинганидек, 30 октябрда Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси ўринбосари Бахтиёр Жамоллов раислигида Ўзбекистон Республикаси Олий судида бошланган қотиллик, терроризм, босқинчилик, қўпоровчилик, мамлакатимиз Президенти ва Конституциявий тузумига таъвозу қилиш каби ўта оғир жиноятларни амалга оширишда айбланган 12 шахс устидан суд жараёни давом этмоқда.

Жумладан 1 ноябрь кун суд мажлисида асосан 1999 йилнинг 16 февралда Тошкент шаҳрида содир этилган портлашлардан жабрланганлар курсатма берди. Таъкидлаш жоизки, назар террорчилик ҳаракатлари оқибатида 16 нафар бегуноҳ одам ҳалок бўлган, 128 киши турли даражада тан жароҳати олган. Тошкентлик Холмид Азимовнинг эри Абдувосит Азимов

Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкни олиб қўришда портлаш вақтида ҳалок бўлган. Она отасиз қолган тўрт нафар фарзанди номидан бундай муҳим жиноятга қўл урганларни дунюбад қилиб, суддан уларга нисбатан энг оғир жазони қўллашни сўради.

Миллий банкнинг бўлим бошлиғи вазифасида ишлаган ўғли Жамид Халиловдан айрилган Хасим Халилов бундай қотилликларда жиноий уюшманинг раҳбарлари — Т. Йўлдошев, Ж. Ҳожиёев, С. Мадаминов асосий айбдор эканлигини, одил суд, гарчи қочиб юрган бўлса ҳам, қабилликларига қарши уларга қонуний жазо таъинлаши зарурлигини таъкидлади.

Ушбу кунги тўнгда бир ноҳушликни сезганидек, ишга кетишдан олдин Азим Абдуллаев она-сидан фотиҳа беришни сўраган. Дарҳақиқат, «Нодирбағим» кинотеатри ёнидаги портлаш уни

Беҳизга мақоламизга шундай сарлавҳа қўймадик. Чунки спортнинг бир қатор турлари бўйича ажойиб зафарларга эришяётган бир пайтда миллионлар юрагидан жой олган футболимизнинг бугунги ҳолати бир жайда туриб депрессиянинг ўзини қўшади. Бунинг яқиндагина ниҳоятга етган асримизнинг сўнгги футбол мусобақасидаги Ўзбекистон терма жамоасининг муваффақиятсиз иштироки яққол исботлаб турибди. Ҳўш, бу ҳолатдан чиқиб ушбу нима қилиш керак? Футболимизнинг аввалги шухратини қўриқиб олишга қарор қилиш керакми? Футболимизнинг аввалги шухратини қўриқиб олишга қарор қилиш керакми? Футболимизнинг аввалги шухратини қўриқиб олишга қарор қилиш керакми? Футболимизнинг аввалги шухратини қўриқиб олишга қарор қилиш керакми?

## Осиё ўйинлари сабоқлари

## ДЕПСИНИШ

ёки футбол федерацияси ижроия кўмитаси ййгилишида айтилган аччиқ гаплар

вандаги ўйинларда айрим ҳолларда ҳакамлар терма жамоамизга нисбатан адолатсизлик қилишган экан, бу нарса эса футболчиларимиз руҳиятига салбий таъсир кўрсатибди (руҳиятнинг ўзи бормики? — муаллиф).

Ўзбекистон футбол федерацияси президенти, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири Зокиржон Алматов баҳона излаш эмас, аксинча миллионлаб муҳлислар олдида жавоб бериш лозимлигини айтиб, келгусида хато ва камчиликларни тўзатиш тўғрисида гапирди.

Ўзбекистон футбол федерациясининг бош котиби Зокиржон Курбанов сўзга чиқди. Ливанда ўтказилган муваффақиятсиз ўйинларда ўзини айбдор деб тан олди. У шунинг учун ҳам ортқича гап-сўзларга, баҳорларга ўрин қўйилмаган ҳолда истеъфога чиқишни эълон қилди.

Ўзбекистон футбол федерациясининг терма жамоалар билан ишлаш бўлими бошлиғи Виктор Тихоновнинг сўзини тингилашга ва муҳокама этишга ҳождат ҳам қолмади. Сабаб у ҳам муваффақиятсизликларда айбдор эканлигини маълум қилди.

ларига қўшили олмайман. Агар у ишни эгиллаш олинганда кўзи отмаси уша 2,5 ой аввал бунинг ўйлаб қўриш керак эди. Эсимда, 1994 йилда Хиросимага биз ҳатто спорт кийимсиз кетгандик. Ҳозирчи, ҳамма шароит мўжадди. Фақат ишлаш, яъни ўйнаш керак эди, холос.

**Баҳодир МАХСИТОВ,**  
Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт кўмитаси раиси:

— Аслида ҳаққий профессионал клубларни ташкил этимай туриб катта натижаларни қўлга киритиб бўлмаган экан. Бу ҳақда Юрбошимиз Ислам Каримов бундан 4 йил аввал гапирган эдилар. Ҳа, бу гапда жон бор экан. Бугун футбол ҳақида, муаммолар ҳақида рўй-рост гапирадиган вақт келди. Ахир биз камчиликларни бекитиб аслида кимни алдганимиз? Узини эманасми? Бу билан кўйимизнинг пуч ёнида қўйилган муаммоларни қўриқиб олиш керакми? Бу билан кўйимизнинг пуч ёнида қўйилган муаммоларни қўриқиб олиш керакми? Бу билан кўйимизнинг пуч ёнида қўйилган муаммоларни қўриқиб олиш керакми?



## «ПАХТАКОР» ЯНА ЕТТИНЧИ ЎРИНДА

**КЕЧА**  
мамлакат миллий чемпионатининг XXXV тур учрашувида «Пахтакор» ўз майдонда мусобақа пешқадамларидан бири Қаршиннинг «Насоф» жамоаси билан ўйнаб 2:1 ҳисобида муҳим ғалабани қўлга киритди ва турнир жадалининг еттинчи погонасига қўтарилиб олди. «Трактор» эса меҳмонда «Гулiston» жамоаси билан тенг кураш олиб бориш ҳамда учрашув дуранг 1:1 ҳисобида яқунланди.

Қолган учрашуларда қуйидаги натижалар қайд этилди. «Сўғдиёна» — «Металлург» 2:1, «Семург» — «Сурхон» 5:1, «Кимёгар» — «Анджон» 2:1, «Дўстлик» — «Нефчи» 2:4, «Темирўлчи» — «Кизилқум» 1:3, «Навбахор» — «Бухоро» 5:1, «Зарафшон» — «Тўрон» 2:2, «Самарқанд-Динамо» — «Хоразм» 3:1.

Навабдаги XXXV тур учрашулари 5 ноябрь кунини бўлиб ўтади.

**Ақбар ЙЎЛЧИЕВ.**

Шундан сўнг таклиф ва мулоҳазаларга наваб берилади.

**Биродар АБДУРАИМОВ,**  
мураббий:

— Бош мураббий жавобгар шахс бўлганлиги учун масъулиятни ҳис қила олиши керак. Мен Юрий Саркисан фикр-

Ўзбекистон футбол федерациясининг бош котиби лавозимда ишлаган Зокиржон Курбанов ўз вазифасидан овозда этилди. Унинг ўрнига «Дўстлик» жамоаси вице-президенти Бахтиёр Раҳимов тайинланди. Бош мураббий Юрий Саркисан ҳам миллий терма жамоани бошқариш ҳамда четлатилиб, унинг ўрнини вақтинча-

**Ақбар ЙЎЛЧИЕВ.**

*Халқ аро яхшироқ, дедим, кимдур?  
Эшитиб, айла шубҳа раф андин,  
Яхшироқ билан улус арқомиз,  
Етса кўнрак улусқа нафъ андин.*

Алишер НАВОЙИ

Мустақиллигимизнинг 9 йиллигини нишонлаш олдидан республикамиз олий мукофотлари билан тақдирланганлар орасида буюк аждодларимиздан бири академик Юнус Ражабийнинг ҳам борлиги гоёт қувончли воқеа бўлди. Зеро, бу буюк элнинг бизга қолдирган бой маънавий мероси ўзбек миллий музыка санъатининг абадийлигини таъминлайди, авлодлардан — авлодларга ўтиб, асрлар оша миллионлаб санъат мухлисларини тарбиялаб етиштиришга хизмат қилаверади. У миллий музыка санъатимизни Ватанимиздагина эмас, жаҳон миқёсида обрў-эътибор қозонишига улкан ҳисса қўшади, шу билан умуминсоний мавқега эга бўлиб боради...

Уз Ватанига, эл-улусига хизмат қилган доноларни инсоният тарихи доимо ардоқлайди; бундай сиймолар оламдан ўтганларидан кейин ҳам, уларнинг номлари иззат-ҳурмат билан тилга олинади, ёдланиб турилади, хотиралари ардоқланади. Буни ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб келмоқда. Буюк бобомиз Алишер Навоийнинг, айтиш мумкинки, бутун ижодий фаолияти-ю ижтимоий ҳаёти худди шу нуқтада мужассамлашган дейилса-да, хато бўлмас керак. Зеро, эл-улус дарди билан яшашни — ҳаётининг мазмуни деб билган барча донишмандлар — бутун фаолиятларида бошқалардан ҳам аини шу сифатларни талаб қилганлар. Жамият бахт-саодати учун курашганларни ўзларига энг яқин маслаҳатчи деб ҳисоблаганлар. Агар шу нуқта назардан Мустақиллик байрами муносабати билан «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирланганлар орасида бир қатор адабиёт ва санъат намояндлари қаторида Юнус Ражабий, Жўраҳон Султонов, Маъмуржон Узоқов, Муҳиддинқори Ёқубов, Ботир Зокировларнинг ҳам борлиги муҳисслари қалбиди хотиралари ардоқланиб келинаётган гоёт сеvimли миллий музыка ва миллий ижрочилик санъатимизни поёнига етказган устоз ҳофизларимизга яна бир катта ёдгорлик бўлди. Уларнинг руҳлари шод этилди.

Қалбиди заррача миллий завқ-шавак, ифтихори бор фуқароларимиз кўнгли тоғдек кўтарилди. Негаки, буюк сиймоларимиз хотирасига доимо иззат-ҳурмат кўрсатиб яшаш — биз тирикларнинг муқаддас бурчимиздир. Бу аънава бизга ўтмишдаги доноларимиздан қолган маънавий бир урф бўлиб қолган. Уни кенг миқёсда ҳаётга жорий этиб, амалга оширганлардан бири — буюк бобомиз Амир Темур бу борада қўпал ибратли ишлар қилганлари маълум. Фақат Мустақиллигимиз берган миллий ўзлигимиз тўғрисида бундай савоб ишларни давом эттириш имконияти тўғрисида, бу соҳада талай ишлар қилинди ва қилинмоқда. Санаб ўтиришга ҳожат йўқ. Ҳаммаси кўз ўнгимизда рўй бериб турибди...

Ҳаётда моддий бойлик яратиш нақадар муҳимлиги — ҳар қандай савиядаги одамга ҳам тушнарли. Аммо маънавий бойлик яратувчиларнинг моҳиятини англаб етишичи? Бу андак нозик ва мулоҳаза талаб қилади, дейилса хато бўлмас керак. Негаки, аввало маънавий бойликнинг турларини, хиллари дейилсамикан, гоёт кўп, чексиз-чексизсиз дейиш мумкин. Маънавият худди қонот сингари худудсиз. Бирини охиригача англаб етдим десангиз, иккинчиси чиқиб туради... Мана шу беҳудуд маънавият оламида — агар таъбир жоиз бўлса, дастлаб «адаб» иборасидан бошланадиган — Адабиёт ва у билан ёнма-ён яшаб келаётган Музыка ҳамда Кўшиқ санъатлари бўлса, ажаб эмас. Бу ҳар икки санъат инсоният билан бир пайдо бўлгандан буён — унга шавқ-завқ беради. Эргаштиради, эзулиқча қорлайди, даъват этади.

Бугунги серташвиш, турли-туман воқеа-ҳодисалар билан тўлган дунё ҳаётида ҳам буюк ёзувчи, мусиқчи, кўшиқчи — инсониятни фақат эзулиқча даъват этаётган бўлса, мазкур соҳанинг айрим вакиллари орасида шу икки гўзал санъатни суиистеъмол қилаётганлар борлиги энди сир бўлмади қолди. Санъат деганда фақат гўзалликни кўз олдинда келтирсангиз-да, шу ном иккинчи остида беҳаёлик, бебиблик, маънавий бузғунчилик, ҳатто инсоният тақдирига бутунлай зид лавҳаларни қўрсангиз, эшитсангиз, бундан қандай мақсад қўзланганини ўйлаб қоласизми?! Йўқми? Ҳар бир олинган кимса бу ҳақда ўйланмай қолмайди. Чунки Санъат — барча табақа, катта-кичик, ҳамма ўзини баробар тарбиявий аҳамиятга эга бебаҳо ҳазинадир. Ана шу ерда жиндак изохга эҳтиёж туғилади: гап шундаки, қамина асли адабиётшуносликдан «нон еб» келайтган экан Музыка ва ижрочилик ёки унинг буюк намояндаси ҳақида нима қилиб ёзиб юрибди, деган мулоҳазалар ҳам чиқиб қолиши мумкин. Бунга қисман жавоб шу: аввало қамина жуда ёшиқдан кўшиқ ва мусиқига ишқибоз бўлиб келамиз. Бўш вақтимиз фақат шу икки гўзал санъатни тинглаб, унинг энг яқин вакиллари билан шахсан дўстона алоқар бағлаб келамиз. Ҳурматли эл Юнус ака билан 1945 йиллардан то бу ҳурматли элнинг умрлари охиригача (1976 йил) кўп ширин суҳбатлари, ашуллари, ўта ёқимли латифаларидан баҳраманд бўлганмиз. Бундай имконият ўша йилларда радиода ишлаганимиздан бошланган. Юнус аканинг ҳар бир янги куйлари, ашуллари билан биз билан тингловчилардан бири ҳам ўзимиз эдик. Ҳамон ҳамма ижодий махсуслотларини жон қўлғимиз билан эшитамиз, жойлари жаннатда бўлсин!

Ана энди гарчи санъатшунос бўлмасакда, ҳолис тингловчи сифатида ёки муҳисслардан бири тарзида Юнус ака мусиқий мероси, унинг манбалари, бугунги ўрни ҳақида баҳоли қудрат фикр юритамиз. Бу

ҳақда батафсил илмий-назарий ишлар яратишни албатта, санъатшуносларга ҳавола этиб, камчилик-нуқсонларимиз учун олдидан узор ҳам айтган ҳолда мулоҳаза юритамиз...

Қизиқ: ишимиз шу нуқтага етганда, бир қултум чой ичишга тўғри келиб, ёзув столдан турдик-да, радиони кўйдик — шу он ҳар пайшанбада «Фонотекамиз хазинасидан» деб бериладиган туркумдан Карим Зокиров ижро этган ашуллалардан «эшиттира-миз» деган эълон бўлди. У Юнус Ражабийнинг илгор шогирдларидан бири эди. Дарҳол ҳамма ишни йиғиштириб, у жаннат-мақом зотимизнинг ўта ойнадек тиник овозлари янграб — Мискин, Амирий, Фазлий, Муқимий, Хуршид сингари мумтоз шорларимиз шеврлари билан айтилган Ироқ, Гирья сингари бир қатор мумтоз миллий ашуллари билан шундай ижро этилдики, улардан олган завқ ва таассуротларни сўз билан ифодалаш қийин, уларни фақат ҳис эстадианларгина тушунади, қадрлайди, ардоқлайди. Булар миллий куй ва кўшиқларимизнинг энг бебаҳо дурдоналари сифатида умр бўйи қалбларимизга нур сочиб келади, завқ бағишлайди, яшашга қорлай-

ли мусиқий ижролар, у халқларнинг қолғу созларида ижро этиладиган қувнок мусиқий асарлар керак эмиш... ва ҳоказо... Шундай баҳоналар билан Ўзбекистон радиосидаги Юнус Ражабий тузган ўзбек халқ миллий қолғучилар ва ашулчилар ансамбли тарқатиб юборилди. Унинг аъзолари беиш қолиб, тўғри келган томонга тирикчилик ахтариб кетишди. Бу фожиа аини бизнинг ёшдагилар гувоҳлигида рўй берди. Мусиқалар овруполлашганча кетаверган кезларда — имон-эътиқоди бутун Юнус Ражабий мук тушиб ўзбек халқ қолғу куйлари, кўшиқлари, ашула куйлари ва мақом йўлларини бир тизимга солиб, нотага тушира бошлайди.

Академик Юнус Ражабийнинг айниқса, ўзбек мақомларини тўплаш ва тиклаш бора-борасида олиб борган улкан ишлари, алоҳида диққатга сазовордир.

Утган даврларда, одатда олти мақомнинг ашула қисми форс-тожик тилида ёзилган шеврлар билан куйланиб келинган эди. Юнус Ражабий олти мақом бора-борасида катта излаш ишлари олиб борди.

қилиб хозирги (Юнус Ражабий номи билан аталётган) мақомчилар ансамбли тикланди. Юнус ака қайтадан илҳом ва ғайрат кўрсатиб ишга тушиб кетдилар. Республиканинг турли худудларидан энг яхши мусиқичи, ашулчилари тинмай жалб этидилар. Катта кўпчилиги ва у ҳамон ўз фаолиятини муваффақият билан давом эттирмоқда...

Энди Юнус аканинг ижодий фаолиятлари омиллари ҳақида бошлаган гапни изоҳлашга интилиб кўрамиз. Мазкур мақолани ёзишга киришмасдан олдин танишиб чиққан баъзи ҳужжатлар ёрдамида Юнус Ражабий ҳаёти ва ижодий фаолиятига оид бирмунча ҳужжатларни кўздан кечирдик. Маълумотларга кўра, Юнус Ражабий 20-йилларнинг бошларидеяк мусиқа санъати соҳасида илмий-назарий билиминини оширишга киришган ва бу йўлда улзуксиз излашлар олиб борган. 20-йилларда мусиқа техникасини битирган, 30-йилларда Тошкент Давлат консерваториясида таълим олади. 1940 йилларда эса Москвада очилган композиторлар курсида таълим олади. Тошкентдаги «Намуна» мактабидида мусиқа назариясидан дарс беради. Айрим

мусиқий раҳбари бўлиб, ўнлаб мусиқий драма асарларининг муваффақият билан кўйилишига катта ҳисса қўшиб, халқ оқлиқларини олганлари диққатга сазовордир. Мусиқа соҳасидаги илмий-назарий билимини ошириб бориш жараёнида тинмай ижод қилади, халқ қалбидан жой олган куйлар яратди. Ҳаммаси мумтоз халқ куйларимиз заминиди, ўзбек миллий мусиқасининг бой, жозибали асл миллий эҳдида кашф этилиши алоҳида аҳамият касб этади...

Юнус Ражабий томонидан ёзилган ўнлаб ашула, қолғу ва рақс куйларидан ташқари йигирмадан ортиқ мусиқали драма асарларига ёзган мусиқаларида, рақслар учун ёзилган шўх, уйноқли куйлар («Уйин баёти», «Уйин доғохи», «Рақс сюитаси» каби) ва унинг бошқа барча ижодий намуналариди миллий куйларимиз руҳи, миллатимиз, халқимиз руҳи, ўзига хослиги, маънавияти ёрқин намён бўлиб туриши айниқса бебаҳо неъматдир. Зеро, мусиқа, ашула санъати ҳам миллатнинг ўзлигини кўрсатиб турадиган жуда муҳим белги эмасми? Гоҳо биз айрим куй ва кўшиқларни эшитганимизда қайси миллатга мансублигини билмай қоламиз. Аслида эса куй ва кўшиқнинг биринчи бандиданоқ қайси миллатники эканлигини дарров пайкаб оламиз. Ҳинд, рус, татар ёки араб, турк, эрон ва бошқа миллатларнинг санъатларида биз бунини аниқ сезамиз. Шу жиҳатдан қараганда бугунги ўзбек эстрадачилари билан мақомчилар ўртасидаги муштараклик билан тафовутлар, улардаги миллий руҳиятлар, фазилатлар ҳақида деярли, ҳар кун турли-туман фикрлар билдирилаётгани бежиз эмас-да! Бу ўринда Юнус Ражабий мероси бизга гоёт қимматли манба бўла олади... Юнус ака яратган «Равноланмасун», «Куйгай», «Не наво соз айлағай», «Уйин баёти», «Уйин доғохи», «Қошки», «Гул соҳар» каби куй ва кўшиқ, ашуллаларини бир кўз ўнгимизга келтириб қарайлик, қандай гўзаллик, қандай шавқ-завқ кўнгиллариимизни қўтарди, руҳимизни шод этади, бутун вужудимизга ором бағишлайди, ҳаётга муҳаббат уйғотади, ғам-андуҳларимизни даф этади.

Шу эмасми санъатнинг бутун борлиги-ю мазмуни?! Хуллас, умр бўйи халқ куйлари, ашуллари, кўшиқларини ўрганиб шулар заминиди ижодий ишни тинимсиз олиб борган Юнус Ражабий 1955-59 йилларда 5 жилддан иборат «Ўзбек халқ мусикаси» тўпламинини нашр эттирди. Бу асарларга йирик мусиқашунос олим-назарийчи ва амалиётчи ижодкор Илёс Акбаров муҳаррирлик қилади. Илёс Акбаров ҳам Мустақиллигимизнинг 9 йиллиги муносабати билан «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан тақдирланган. Биз бу кекса, табаррук, мусиқамиз назарийчи соҳасида кўпобилмий иш қилган домага танис-оқлик, хотиржамлик тилаймиз, мукофот билан табриқлаймиз.

Мазкур тўпламга юзлаб ўзбек куй ва кўшиқларидан ташқари бир қанча тожик ва уйғур куй ва кўшиқлари, Тошкент, Фарғона мақом йўллари, катта ашулалар, ўнлаб бастакорларнинг асарлари ҳам киритилган. Телерадиога ўзи тузган Мақомчилар билан бирга ишлаган жараёнида Шошмақомнинг асл негизлари заминиди қайта ишлади, бойитди, нотасини яратди, сўзларни ижрога мослашдида игна билан кудук қазигандай — ҳар бир сўз, жумла, бўғин, ҳатто харфни талаффуз этишининг аниқ йўлларини топиб, ёзувда кўрсатиш нимадан иборатлигини мусиқашунослар яқини билишади.

Шундай қилиб Юнус ака яна олти жилддан иборат Шошмақомнинг янги нашрини яратди, унга машҳур мусиқашунос олим Файзулла Қароматов муҳаррирлик қилди. 1978 йилда чоп этилган «Мусиқий меросимизга бир назар» рисолида Юнус Ражабий илгариги жилдлардаги айрим нуқталарга яна танқидий кўз билан қараб чиқди. Лозим топган жойларига айрим ўзгаришлар киритди, баъзи ўзгаришларга изоҳ беради ва ҳоказо... Хуллас ижодий излашни, ўз ишига фидойилик, миллий маънавиятнинг муҳим бир йўналиши бўлган — миллий мусиқа ва кўшиқларимизга, бу борадаги тарихимиз, аънаваларимизга таяниш иш қилиш — Юнус Ражабий иймон-эътиқодининг юксаклигини доим кўрсатиб туради. Ана шу олий инсоний сифатлар — Юнус Ражабий шахсини, ижодий фаолиятини, ундан бизга қолган бой маънавий меросини абадий ёзқозлашга омил бўлади. Мамлакатимиз, халқимиз, давлатимиз Юнус Ражабийдек юзга зотларимиз қадриятларига юксак баҳо беришмоқдаки, бу ҳаммамизнинг ифтихоримиздир. Утганларини ёдлаш, хотираларини абадийлаштириш, руҳларини шод этиш борасида Юртбошимиз шахсан кўрсатаётган ғамхўрликларга ўзимиз гувоҳ бўлиб турилишимиз. Қадриятларни қадрлаш, ўтганларни хотирлаш, борларини авайлаш — энг адолатли ижтимоий тузумнинг олий фазилати бўлиб келган, шундай бўлиб қолади...

Модомики, Юнус Ражабий мероси, қадриятларини ёзқозлаш шу даражада етиб, асарлари нашр этилган, уй-музейи ташкил этилган, мукофотланган экан — бунинг ўзи ҳаётимизда ҳеч унутилмас тарихий воқеа бўлиб қолиши, келажак авлодларнинг маънавий тарбиясида ҳам бебаҳо аҳамият касб этиши турган гап.

Охиридди ҳисса деганларидек, маккола ҳиссадиди баъзи истакларимизни ҳам айтиб ўтамиз. Аввало, ушбу мақола ёзилишида ўз маслаҳатлари, кўнгидаги айрим ҳужжатлари билан ёрдамлашган Ўзбекистон халқ ҳофизини, Юнус Ражабийнинг савинли фарзанди — Ҳасан Ражабийга чин оқрадан ташаккур билдирамиз. Бинобарин, Юнус Ражабийдек бир атоқли сиймо номида — Мусиқа ва ашула санъати боғида бир мукофот тазсис этилса нур устига аъло нур бўлур эди. Телерадиога эса ўзбек мумтоз куй ва кўшиқларини доимий бериб борадиган бир канал ташкил этилса, ёшларимизга миллий санъатимиз руҳини сингирдиб боришга қўмақлашарди... Аҳмад АЛИЕВ.

## Хотира уйғонса гўзалдир...



# МУМТОЗ САНЪАТИМИЗНИНГ БЕНАЗИР ДАРФАСИ

ди. Бу жиҳатдан мусиқа ва кўшиқ санъатининг тарбиявий аҳамияти нақадар юксаклигини ўйлаганда юқорида тилга олинган сиймоларимиз ва улардан бири академик Юнус Ражабийнинг маънавиятимиз тарихидаги ўрни нақадар юксаклиги янада равшанроқ кўринади...

Тарихнинг тарбиячилиги ҳақида гап кетганда адабиёт, тарих фани, расомлик ёки бошқа бир фан тарихи билан бир қаторда ашула ва мусиқа тарихи, бу борадаги маънавий хазина устида ҳам фикр юритиш — бугунги долзарб масалалардан бири бўлиб қолади.

Кейинги йилларда телерадио ва газеталарда мумтоз миллий мусиқамиз ашула ва кўшиқ ижрочилигимиз, эстрадачилар ҳақида кўп қўлаб мутахассисларнинг қиқчишлири бўлиб турибди. Улар гарчи хилма-хил мулоҳазалардан иборат бўлса-да, ақсарияти эстрадачиларнинг миллийликдан олислашши, гоҳ Фарб, гоҳо эса хорижий шарқ таъсирига берилиб кетётганлари ҳақида кўп айтилмоқда. Айниқса, «бу кўшиқнинг сўзини ўзим ёздам, куйи ҳам ўзимники, уни ўзим ижро этаман» деювчилар орасида гоҳо ўта савёлик (сўз-ю куйдан ижросигача) ҳам қилиб бўлмайдиган, аммо хом-хатала ёшлар дидини бузишга, миллий оҳанглари, ижрочилик аънаваларимиздан узоклаштиришга хизмат қилаётганлари ҳам борлиги неча марта таъкидланмоқда. Ана шуларни ўйлаганда мумтоз куй ва кўшиқларимизнинг энг гўзал, бой манбалари заминиди ижод қилиб, бу борадаги аънаваларимизни давом эттирган, аини шу заминда талай куйлар ижод этишга, ўзбек халқи мусиқий меросини сақлаб қолиш мақсадида уларни тўплаб, қайта ишлаб, сайқал бериб, 12 жилди китобларга жо этиб нашр эттиришга, уларнинг гўзал ижроларини ҳам яратишга бутун ўзини бағишлаган Юнус Ражабийдан бизга қолган бой мусиқий мерос бугун — Мустақиллигимиз тўғрисида янада кўпроқ, муҳимроқ масала бўлиб қолди. Негаки, 50-йилларнинг ўрталарида бизнинг мумтоз куй ва кўшиқларимизга қарши шундай бир ҳужум бошландики, «буларнинг ҳаммаси унисон» деган бир ибора остида худди 30-йилларда авж олган — «халқ душмани» деган даҳшатли тамга сингари қораланди. Ўзбек мумтоз куйлари қайгули, хасратли эмиш, умидсизликча қорлар эмиш, совет даври фақат қувнок ҳаётдан иборат, шунинг учун унга фақат оврупо йўлидаги кўп овоз-

Чалқаш, тугалланмаган қисмларини қайта ишлаб тўлдирди, тузатди, сайқаллар бериб, мукаммаллаштирди ва мақомларимизнинг равои, тўла-тўқис, гўзал ҳамда жозибали янграшини таъминлади.

Уз жияни ва шогирди, зарбараст мақомшунос олим, санъатшунослик доктори Исҳоқ Ражабий: — Юнус Ражабий қайси куйга қайси ўлчовдаги ва мазмуни шер мос келишини жуда яқин биларди, ўрни келса ажойиб шорлар ва олимлар билан мақом асарларига аинан мос келадиган газалини таллаб олишда маслаҳатлашиб оларди. Собир Абдулгани Юнус Ражабийга бағишлаб ёзган шеврида:

...Кини хизмат қилур эса — яшар у,  
Ҳаммаи ёдланиб эшон-у номи,  
Узур иш қилонгиз бойликни тўплаб,  
Тирлади Сиз билан ўзбек мақоми...

деб ёзгандек олти ўзбек мақомларининг ашула йўлларига энг буюк мумтоз шорларимиз шевриятидан оқилана фойдалана билди. Ўзбек мақомлари оҳангига хос ва мос тушадиган Атойи, Сақоқий, Лутфий, Навоий, Бобур, Машраб, Фузулий, Оғахий, Зебуннисо, Нодира сингари буюк шорларимизнинг газалиётини мақом йўлларига узуққа кўз қўйгандек солиб қўйилмади қилганиди. Энди ўзбек мақомлари мумтоз шеврий асарлари билан гўзал ижро этила бошлади. Эларо тараннум этилмоқда. Бутун дунё халқлари мусиқа шинавандаларини ҳам бу ижролар лол қолдириб, миллионлар қалбини мафтун этиб келмоқда.

Шу билан бирга 1959 йилда Ўзбекистон Радиоси қошида ўзи ташкил этиб, раҳбарлик қилган мақомчилар ансамбли ижрочиларига, шогирдларига олти мақом асарларининг барча ашула қисмини ва қолғу қисмини ҳам деярли барчасини ўргатиб, ижроларини радионинг олтин фонотекасида сақланадиган даражасигача етказди.

Ишнинг негизи ҳақида тўхташдан олдин бир муҳим нуқтани таъкидлаш жоиз қўлинишимизга аҳжум бўлгани ҳақида қисман гап айтиш. 50-йилларнинг ўрталари ва охирига қадар, бу борада андак нафас олтиш имконияти тўғрилиб қолганиди. Шу вақтда Юнус Ражабийни қакриб, тарқатиб юборилган миллий ансамбль аъзоларини тўплаш, радиода уни тиклаш ҳақида буйруқ беришди. Юнус ака «нон-гоҳ» деб бу ишга бел боғладилар. Артрофларига ўзлари яқин билган шогирдлари, ҳамкасбларини тўпладилар. Шундай

клублар ва мақталбарнинг мусиқа тўғрари-ларига раҳбарлик қилди.

Тошкентда жуда ёшлигидан Мулла Тўйчи ака, Шорайим акалардек машҳур ҳофизлар ёнида юриб, ўзбек миллий мусиқа ва ашулчиларнинг мумтоз намуналарини ўрганган Юнус Ражабий кейинчалик ҳожи Абдулазиз, домла Ҳалим Ибодов, Левича деб Бухорода ном чиқарган (машҳур композитор Манас Левиевнинг отаси) каби энг дондор мақомчиларнинг маҳоратларидан ижодий фойдаланиб воға етди. Улардан фақат куйлар эмас, мақом ашуллари ижроларини ҳам ўрганган, биргаликда ижро этади. Тўйлар, халқ сайллари, байрамларда ўтказиладиган концертларда бевосита иштирок этади. Эсимда бори: Тошкентнинг эски шаҳар қисми аҳолиси ўртасида — 20-30-йилларда йиғинлар бўлиб турадиган — Хотин-қизлар клуби номи билан танилган концерт зали бор эди. Эски жува марказида жойлашган, ҳозир ҳам ишлаб турган биринчи босма-хона рўпарасидаги мазкур клубда қандайдир бир йилги бўлиб, кетидан концерт қўйилди. Одамлар йиғинга қўйинча концерт учун боришарди. Саҳнада бир гуруҳ санъаткорлар орасида Мулла Тўйчи ҳофиз, ёнларида Юнус ака ва бошқалар классик ўзбек куй ва кўшиқларини созандалар ҳўрлигида ижро этишарди. Мулла Тўйчи ҳофиз бу кезларда аинча кексайиб қолган кўринарди, аммо энгиларида ўзларига жуда яқиндан қизил-сарик аралаш чиройли бекасман тўн бор эди. Ашуланинг даромадини Юнус ака билан бирга айтишар, ўрта авжга бирга чиқшар, аммо катта авжга фақат Юнус ака чиқардилар... У элнинг кийим-кечаклари ҳам худди ўзлариди оддийгина, саҳнада ўзларини тутишлари ҳам шундай. Юнус ака буюк шахсларга хос табиийлик, оддий одамийлик фазилатлари билан катта-ю кичикча баробар муомала қиларди. Ақсар етук зиниларда бу ҳислатни кузатувчилар яқини билишади. Таниқли режиссёримиз Баҳоидир Йўлдошев айтганда, «ҳозирги баъзи эстрада кўшиқчилари ўзларини «бугун мен энг машҳурман» дегандай тутадилар. Асли буюқларга бу ҳолат тамоман беғонадир...»

Юнус Ражабий ўз ижодий фаолияти давомида ҳаммаша ақалий иш билан назарияни уйғун равишда олиб боради. Унинг 1923-27 йилларда Самарқанд давлат педагогика институтининг мусиқа бўлимида ўқитувчилик қилгани ва шу ерда ташкил этилган илк ўзбек мусиқий театрининг ҳам

Ибротнома

ЖНКОЯТААР

Бир подшоҳнинг севимли фили бор экан. Кунни битиб фил оламдан ўтибди. Кишлоқ ахлига қимда ким подшоҳга филнинг ўлими ҳақидаги хабарни етказса, ўша одам қатл этилади, деган хабар тарқалибди. Халқ бу мудуҳи хабарни қандай етказамиз энди, деб кўп азият чекибди. Шунда бир доно киши:

— Дўстлар, ташвишланманг, мен ўзим бориб айтаман, — деди.

Халиги киши подшо саройига келиб:

— Подшохи олам, севимли филнингиз овқат олмапти, сув ичмапти ва ҳатто нафас ҳам олмапти, — деди таъзим қилиб.

— Нима, ўлдими? — сўрабди подшоҳ.

— О, жаноби олийлари, бу сўзни мен эмас, сиз айтдингиз, — деди доно киши.

Подшоҳ зуқко кишининг ўткир зехнига қойил қилиб, уни муқофотлади.

Бир ҳайкалтарош ўзининг ноз-неъмат тўла дастурхонини ташлаб Афлотун академиясининг зиёфатига борди. Бу ерда таъдиқ таомлардан бирон лўма топилмас энди. Аммо доноларнинг ҳар сўзи, ҳар лўмаси

кўнглини чароғон қилар эди. Шу кунни ҳайкалтарош уйига қушдек енгил бўлиб қайтди. Шундан сўнг у оз овқат билан қаноатланишга аҳд қилди. Зиёфатнинг эртаси кунни Афлотунни учратиш қолганда эса:

— Сизнинг овқатларингиз тановул қилинган кундан кўра эртанги кун учун фойдалироқ экан, — деди.

Бир доно янги ва ёш шоғирдига:

— Мана бу нон билан чучварани фалончи дўстимга элтиб бер, — деди.

Шоғирд йўл-йўлақай чучварани еб борди. Манзилга етиб, омонатни топширди. Орқасига қайтар экан, устозининг дўсти: «Ой — бутун, юлдуз — ягон-ягон», — деди.

Шоғирд хайрон бўлиб, бу сўзларни ўз устозига бориб айтди.

— Аттанг, андак омонатга хиёнат бўлибди-ку, — деди устоз.

— Чунки дўсти бежиз: «Ой — бутун, юлдуз — ягон-ягон» деб айтмаган, бу унинг «Нон — бутун-у, аммо чучваралар қамайиб қолибди» дегани экан.

Дилором ИКРОМОВА.




Она Ватан ҳақидаги шеър... Равиль Альбеков олган сурат.

Бўш вақтингизда

БОШҚОТИРМА

Айлана бўйича «занжир» ҳолида: 1-2. «Хадис илмида амир алмуминийн» деган шарафли номга сазовор бўлган ватандошимиз таваллуд топган шаҳар. 2-3. Кўчманчи чорвадорлар манзили. 3-4. Оширилмаган хамирдан юкка қилиб ёпилган миллий нон. 4-5. Шамсия йили ҳисобидидаги ой. 5-6. Виждонлик, инсоф. 6-7. Ассосан Осиё гарбидида давлатда яшовчи миллат. 7-8. Бирор муаммони ҳал этишга оид мулоҳаза, анжуман. 8-9. Пойтахтимиздаги матбаа муассасаси. 9-10. Кўркам хона ёриткичи. 10-11. Қизил тусди қимматбахо тош. 11-12. Шафтоли меvasи нави. 12-13. Маданий муассаса. 13-14. Мезон ва Қавс оралмидаги бурж. 14-15. Шарқ мумтоз шоири Саъдий Шерозий меросига мансуб асар. 15-16. Шерият. 16-17. Одамлар ёқирмайдиган парандда. 17-18. Утаётган йил номидан «Соғлом... ийли». 18-19. Театр асари тури.

Ёлбар бўйича: 19. Утказгич қаршилигини ўлчаб асбоби. 20. Махсулотни доналаб сотиш. 21. Бирор нарсанинг кўрсаткич белгиси. 22. Маърифатпарвар шоир Зокирхон Фурқ



ат ҳаётининг сўнги йиллари ўтган шаҳар. 23. Илк ҳосил. 24. Мулоҳаза учун сунъий равишда ўқлатиш воситаси. 25. Ўзбек мумтоз ғазалнавис шоири. 26. Фенолдан олинмайдиган сунъий тола. 27. Савдотикни амалга оширувчи воситани. 28. АКШнинг осмон-ўпар бинолари жойлашган шаҳри. 29. Эварнинг фарзанди, катта бобо, буйига нисбатан. 30. Ватанимиздаги вилоят.

Муаммонома Очкич сўзлар: 1. Ақлий спорт ўйини — 4, 16, 6, 14, 16, 13. 2. Гап бўлаги — 12, 11, 1, 3, 14.

Бўйига: 6. Азон. 7. Лаъл. 8. Мавж. 14. Беҳи. 15. Верн. 16. Осим.

Муаммонома Очкич сўзлар: 1. Кимёгар. 2. Ҳошия. 3. Нақл. 4. Хаёл. 5. Бас. Ҳикмат: Яхшилик қила олмасанг, Бори ёмонлик ҳам қила.

Биласизми?

Газетанинг 27 октябрь сонидан чиққан бошқотирманинг жавоблари:

Белгиланган хонадан рақам атрофига соат миля йўналишида: 1. Қошғарий. 3. Тиллақош. 5. Динамика. 9. Нақшбанд. 11. Лоҳувар. 13. Журжоний. 17. Искандар. 19. Носирова. 21. Марғилон. Энига: 2. «Шарқ». 4. Илак. 10. Кадр. 12. Жоди. 18. Киев. 20. «Садо».

МАШҲУР «ШОҲ АКБАР» ОЛМОСИ

Амир Темур авлодларидан бўлган Жалолиддин Муҳаммад Акбарнинг жуда ҳам одир бўлган олмоси бор эди. Унинг оғирлиги 120 карат (бир карат 0,2 граммга тенг) бўлиб, ҳаддан ташқари ноёб, нодир кўринишда бўлган. У ҳар қандай одамни ҳам ўзига жалб, маҳлиё қилиб, улантириб лол қолдирарди. Соҳри кучли, ўзи мафтункор бўлганидан унга қараган ҳар қандай одам, кўзини узгиси келмасди. Унинг набираси Шоҳ Жаҳон бу олмосга қуйидаги жумлаларни ёздирди: «Шоҳ Акбар жаҳон шоҳи, жиҳрий 1028 йил (мелодий 1618 йил) ва Шоҳ Жаҳон жиҳрий 1039 йил (мелодий 1629 йил)». Бу ёзувлар араб алифбосида, форс тили

лида ёзилган бўлиб, жуда осон ўқилади. Инсоннинг ақл-заковатига сиймайдиган жуда ҳам нозик ишлар бақарилган. Чунки дунёда энг қаттиқ материал ҳисобланган олмосга мураккаб араб ҳарфлари билан ажойиб нафис ёзувлар ёзиш ҳозирги замон олимларининг ҳам ақлини лол қолдиряпти. Ханузгача хайратда қолиб, бу жумбоқнинг ечимини топишга ожизлик қилмоқдалар. Бу олмос ҳам Нодиршоҳнинг Ҳиндистонга қилган юришида қўлга киритилди, Эронга олиб келинган. Бу олмос 100 йилдан бери йўқолган деб таҳмин қилинарди. Ваҳоланки, бу олмос Туркияда «Шеферда олмоси» номи билан пайдо бўлди.

Илхом ШЕРМУХАММАД.

Якка ва туркум мусиқий асарлар яратиш ва ижро этишда юқсак бадиий маҳорат кўрсатаётган 30 ёшгача бўлган ижодкорлар Президентимиз ташаббуси билан таъсис этилган «Нихол» мукофотига сазовор бўлдилар.

Халқимизнинг озод, хур фараздори яна бир бор маъсуляти, ишонч, эъзос, меҳр, қадрини кўрдилар ва улар қалбига чўғ тушди, андак маҳоратта ундади, довбат қилди.

Мана шундай мукофотга сазовор бўлганлардан бири, «Ўзбекрақс» «Тановар» ансамблининг ёш, умидли раққосларидан бири Гулшода Абдиева билан аяқиндан танишиш истаги туянди.

— Ҳажжонимни сўз билан ифодалаб бера олмаган, — деб сўз бошлади Гулшода. — Оҳангарон шаҳрида 1971 йили, оддий дехқон оиласида туғилганман. Ота-онам санъаткор бўлмасалар ҳам санъатни жуда яхши тушунадиган одамлар. Онам жуда чиройли рақса тушар эдилар, уларга маҳлиё бўлиб қолар эдим. Илк ҳавас шунда уйғонган бўлса ажаб эмас. 1991 йили Тошкент Хореография йили юртига отам ўзлари келиб ўқишга жойлаб кетдилар. 1996 йилда ўқишни муваффақиятли тугатлаб «Ўзбекрақснинг» «Тановар» ансамблига ишга келдим. Биласизми, рақс — инсон қалбнинг гўзалликларини, беғуборлигини ҳаракатлар ёрдамида акс эттирувчи санъат тури. Ўзининг сир-асрорлари, машаққатлари бор. Шуларни барчасини енгиб шу даражага етиб келишимизга

да, бундай нуфузли мукофот соҳиби бўлишимда меннинг қатор устозларимнинг мўносиб улushiри бор. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Насиба Мадрахимова, Муяссар Сотиболдиева, Дилбар Юнусова, Уйлой Мухамедова ва хозирги кунлардаги жон фидо устозим Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Кўлдуз опа Исमतваларни ҳаммиша чучур эҳтиром билан тилга оламан. Илк марта 1998 йили республика миқёсида бетакрор устоз Мукаррама опа Турғубоева хотирасига бағишлаб ўтказилган «Ёш раққоса»лар кўрик-танловига Гран при совриндори бўлганимда худди шу бугунгидек ҳажжон қоплаб олганди, ҳаммиша халқимга хизмат қиламан, изланишдан чарчомайман,

устозларим ишончини оқлашга ҳаракат қиламан деб аҳд қилгандим.

Юртбошимиз биз ёшларнинг қалб тўрмишидаги орзуларимиз, умиддоримизни рўёбга чиқишга, халқимиз тили билан айтадан «туп қўйиб, папак отишимизга», «нихолдан «чинор» бўлмо-

«Нихол» совриндорлари

РАҚҚОСА ХИРОМ ЭТГАНДА



ғимизга ўмиб билдирдилар. Биз мана шу ишончини албатта оқлаймиз. Бу ишонч, имкон, маъсуляти бизни анда кўпроқ ишлашга, интилишга, муваффақиятларга эришишга довбат этиб туради.

Гулшода бир ойлик иккунда сафар билан Японияга отанди. Ўзбек рақсини оламга кўз-кўз қилмоқчи. Озод Ўзбекистоннинг озод, хур қизи Гулшодага улкан парвоз тилаб, сафари бехатар бўлишини, покиза дил ва чиройли санъати уни ҳеч қачон тарк этмаслигини тилаб хайрлашди.

Шоира МУҲАМЕДОВА. СУРАТДА: Гулшода Абдиева.

(Давоми. Боши газетанинг 107, 110, 113, 116, 119, 122, 125, 128-сонларида).

Вақтиги, ул канизани уйига олиб келди, мен ҳам анинг уйига суҳбат учун бордим. Дарҳақиқат таъриф қилганлик эркан, зар ва зеварни бисёр бердим. Неча кеча анинг суҳбатидин мамнун бўлиб, то бир ойгача ушбу тариқа била ўти. Бир кеча ул илгитни талабиди доғни юбориб эрдим, малика тақсиротларимга авф қилсинлар, бу кеча бошим оғриб туради, хизматларига боролмасман — деб, доғдин айтиб юборибдур. Бу сўзни эшитган, ани кўргали ўзим боришга қарор қилдим ва хуфия йўл билан бориб кўрдимки, ул йигит канизанинг тиззасига бошини қўйиб, анга маҳлиё бўлиб ётар эрди. Бу аҳволини кўрган, билдимки, анга кўнгул берибдур. Агарчандики меннинг зарҳарид қулим эрди, қўл-оёғимга титроқ пайдо бўлса-да, билдирмай ўлтирдим. Улар мени кўргандин кейин муштар бўлдилар. Филҳол, ҳар бири ўз ўрнидин турди, бошқа-бошқа жойга ўлтирди. Буларни юзига солмай, яна меҳрибонлик билан ҳол-аҳволларини сўрадим. Изтироблик, ожизлик изҳор қилиб йиғларди, аммо аввалгидек меннинг яқинимга келмади, ақсинча бир бурчакка бориб ўтириб олди.

Алқисса андин кейин фароғат юзини кўрмадим. Аксар кечаларда фироқ била нола чекар эрдим. Неча кеча ул йигит келмади. Мен анинг орзусида бегоб бўлиб, бир кишини юбордим олиб кел — деб. Уйда йўқ — деб, хабар келтирди. Ҳижрон алами сийнамага урди. Ёт ётгандин сўнг ўрнимдин туриб ани уйига бордим. Анинг хизматкорларидин бирини топиб, илтифот била ани аҳволидин сўрадим. Дедикки, ул канизак била улфат бўлибдур, бул кеча боққа бориб, гам-ташвишларни ташлаб, суҳбат қилурлар. Бунн эшитган беором бўлиб, хушимдин кетдим. Ўзимга келгач, у ердан бег тарафга равона бўлдим. Бог эшигини берк кўриб, кўп машаққатлар билан богга кириб, кўрдимки, ул иккаласи бир-бирининг кучоғида ишқибозлик билан машғул эрди. Бунн кўриб холдан тойиб, бир бурчакка да ўлтирдим. Қазоро, ул канизак меннинг тарафимга боқиб ўтирганда мен беҳитёр бу рўбонини тарона қилдим: «Не айладимки фалак бе васила доғ қилиб, ажал давосини туну кун мени суроҳ қилиб». Ул канизак меннинг овозини эшитиб, мени таниди, жомни фироқ ташлаб, қўлини ул йигит тарафига солиб — деди, — Эй йигит, меннинг ёринг бордур, ишқибозлиқни сабаби нима, қайси жиҳат-

дин менга ҳам, анга ҳам озор берурсан? Андин кейин ул йигит дедиким, эй малика, худо сени саломат қилгай, олишинг нима отми ёхуд туямн? Ё мени пулга сотиб олдингму, мен хонумондин кечдим, сен ҳам мендин кечсангичи — деди. Эй номард, — дедим — бу давлат кимники, не бўлгайки мен ҳам суҳбатингдин баҳра олсам? Дедикки, ўзимни улдирмагунча кўнглинг тинмас эркан. Ул фитна канизак ханда қилиб таънаангиз киноялар била гайрат оловини зиёда қилур эрди. Йигит мен олиб берган ханжарни қинидан чиқариб хоҳладики ўзига ургади, юғуриб бориб иккала қўлини тутиб, дедимки, сенга фидо бўлайин, мени улдиргилки, ўлмоқга мен сазовордурман. Ул ҳам ғазаб билан ханжарини кўрагимга, биқинимга, қўл ва оёқларимга урабериб, токи хушимдин кетдим. Вақтиги хушимга келиб, сени бошим узра кўрдим. Андоғ билдимки, ул боғнинг бир тарафи шаҳар кўрғони эрди, мени сандиқга солиб андоғ қасд қилгайки, ул кўрғоннинг хандақига ташлагай; токи ҳеч ким билмасун. Учим боққий эркан, хандақ четига тушибмен. Ул сандиқни олиб, ҳаётлигимга васила бўлибдурсен. Бинобарин, мен ҳам ул хушимнинг эвазига қасос олдим. Ул менга не ишлар қилганини сенга баён қилдим...

Донишмандлар хазинасидан БИРИНЧИ ДАРВЕШ ҚИССАСИ

Эй дарवेशлар, ул сийимбарнинг гайрати ва мардоналигига таҳсин ва офаринлар ўқидим, Маликадин сўрадимки, пешиндин кейин барча асбоб-жиҳозларни қаердан олиб келақолдинг? Ўша кунн ярим кечада ҳам бир ерда эрдик, иккаласининг ишини тамом қилиб, гойиб бўлиб эрдик? Дедиким, отамнинг ўрдасиндин келтириб эрдим. Яна сўрадимки, қандай қилиб уйинга бординг, шунча кунлар йўқлигинга нима жавоб бердинг? Дедиким эй фалони билмасмасунки Шом подшоҳларнинг қондаси улдуким, олти ойгача ўзини ишига машғул бўлурлар, яна олти ой Хунгор подшоҳининг хизматида бўлурлар. Бу мuddатда отам Хунгор шоҳининг хизматида эрдик, онам эса оқиллаки ваҳхидин меннинг йўқолганим ҳақида ҳеч кимга ҳеч нараса изҳор қилмаган эрди. Дарвозаболар мени қидириш билан овора эрдилар. Вақтиги, сен ул йигитни тақлиф қилмоқча кетганимда мен отамни уйига бориб, онамни саломат кўриб, дедиким эй она, худо ҳаққи ўз ихтиёрин билан гойиб бўлганим йўқ эрди, агар мендин хато содир бўлган бўлса, алхамдулиллоҳ ному-симга раҳна солганим йўқ. Онам мени имтиҳон қилмагунча, сўзимни қўлаб қўлибди. Имтиҳон қилгач, омонатини жойида кўргач, хушхол, хуррам бўлди. Шундан кейин онамдан илтижолар қилиб, яна уч кунга руқсат сўрадим. Онам мени ўзига ақин тутарди. Бинобарин, уч кунлик зиёфатга нимаики лозим бўлса, барчасини муҳайё қилиб берди. Ул икки кўрнамақларнинг бошига била келтириб шул кеча уйимга келдим ҳамда барча асбобларни ҳам келтирдим.

Эй дарवेशлар, ул шакарлаб, гунча даҳан ушбу воқеани нақл қилиб йиғлар эрди, мен ҳам кўз ёшимни тўкар эрдим. Ул нозанин сарғузаштини тамом қилгандин кейин дедиким, эй фалони, энди рози бўлдингму? Мен дедимки, эй вафодор, алҳол хотиржам бўлдим. Дедиким, энди бу шаҳарда туриб сенинг ризолигининг ололмасмен. Чунки сен бир марди гайрибурсен, мен подшоҳининг қизидурмен. Сенинг кўвёлигинг менга номул келтирадур. Мендан умид узганинг яхши эрди. Ва мен ул нозаниннинг оёғига йиқилиб ва хоки пойини кўз ёшим билан нам қилур эрдим, он қадар йиғладимки, ниҳоят рақим келиб айтдимки, мундоғ бўлса бу дёнрнн тарк қилиб, саҳроларда юрмакни ихтиёр қилмоқ керак — деб, менга дилдорлик қилди.

Эй дарवेशлар, ул нозаниндин яна сўрадимки, ул марди жавоҳирфуршини ўшал кунн руани (мактубини) анга олиб бердим, ул бир лаъл олтинларни юборди, ул киши ким эрди? Нозанин айтдики, ул мард кўнорфурўш эрдиким, ҳар кунн менга кўнор юборур эрди ва мен анинг кўзасига зар солиб берур эрдим.

Эй дарवेशлар, ул нозанин айтдики, зоҳир бўлдики рўзи азалда тақдир қалами бу тариқа хат ёзган экан, кўнглингни хуш тутгил ва мунгазири вақт бўлгил. Токи кўрайликчи худойи таоло нимани хоқлар экан — деб, мени дарвазаболонинг меҳмонхонасида сақлаб турди. Бир неча кун ўша ерда турдим. Охир уларм бир кеча ярим тунда, жоҳасаровини қўшхонасида ўлтириб эрдим, бир сипоққўш одам салоҳ қийиб, эшикдан кириб келди ва менга қараб, тургил вақт ганиматдур — деди. Мен ўрнимдин туриб, орқасидин равона бўлдим. У отхонага кириб икки яхши чопқир отни эгар-жабдуқлатиб менга берди. Ўзи ичкари кириб икки хуржин жавоҳир ва икки даста қийим-бош олиб чиқиб менга берди. Икковиимиз отга миниб, шаҳардан ташқари чиқдик ва биёбонга юзландик. Кеча-кундуз йўл юрар эрдик ва лекин ҳар кун икки мартаба отдин тушиб, отларни ўтга кўр эрдик. Ўзимиз ҳам андак тасом тановул қилур эрдик ва лаҳза истироҳат қилур эрдик. Йўл асосида ул нозанин неча марта айтур эрдикки, эй фалони мен ўз ота-онамни ва юртимни сени деб ташлаб чиқдим, магар сен ҳам ул йигитдек бевафолки йўлини тутмагисан — деб таъкидлар эрдик. Мен эса ахду паймон қондаси билан ўз тасаддуқ ва қурбон бўлиб, кўнглини олар эрдим. То бир ойгача йўл юриб, суғрага йўлни йўқотиб, адашдик. То бир кунгача йўл қидирдик.

Турғун ФАЙЗИЕВ тайёрлаган. (Давоми бор).



4 ноябрь — шанба (Ойнинг 8/9 кунн). Мазкур кеча-кундузда Ой сайёрасининг таъсири инсонлар учун салбий бўлади. Турли хил хатоликлар, айдовларга ўчишдан ўзингизни эҳтиёт қилинг.Хазинликка ва гамгин қайфиятга берилманг — улар тез ўтиб кетади. Шу кеча-кундуз давомида кўзгуда ўзингизга қарамаслиқни тавсия этамиз.

Нафас қисийи хасталиғи билан оғриган беморлар ўзларини эҳтиёт қилишлари керак бўлади. Таомдан захарланиш хавфи бор. Спиртли ичимликлардан ўзингизни тийинг. Аллергик хасталиқлар хуруж қилиши мумкин. Айниқса, қорин бўшлиғида жаррохлик операцияларини ўтказиш тавсия этилмайди.

Тушларингиз сароб бўлади.

5 ноябрь — яшанба (Ойнинг 9/10 кунн). Бугунги кеча ва кундузда йўлдош сайёрамизнинг таъбир ҳамда инсонга таъсирироқ гўт ўйғурилаган бўлади. Бу — жуда оёқшита кун ҳисобланади. Мусиқани баланд қўйиш, салбий эҳтиросларни намойиш этиш, қўполик қилиш катта зарар келтиради. Яхшиликни эҳтиёт билан қўлингиз билан утказиб, уларнинг суҳбатларидан баҳраманд бўлинг. Бир қандаж яхши мусаласани ичиб, ҳайларга берилиш мумкин. Бу — яхши ҳордик чиқариб, кўч тулшинингизга имкон беради.

Умумий ҳолатингизда ноҳушлик сезилингиз мумкин. Юракда оғир келадиган ишлардан тийилинг. Инфаркт ва инсульт хасталиқларини сунистемол қилишдан ўзингизни тортинг. Кучли таъсир этувчи тиббий дориларни истеъмол қилмай турганингиз маъқул. Тушларингиз ёрқин ва ёқимли бўлади. Улар сизни тинчлантириб, асабларингиздаги тарангликни олади ва ҳатто айрим хасталиқлардан халос қилади.

6 ноябрь — душанба (Ойнинг 10/11 кунн). Инсон онгидида меҳр-шафқат туйғулари кучаяди. Имкон қадар кўпроқ кишиларга шундай туйғу билан ёндошишга ҳаракат қилинг. Шунда бошингизга ташвиш тушганда ёлғиз қолмайсиз.

Бўғимлар ва асаб тизими хасталиқларини даволаш тавсия этилади. Юрак хасталиғи билан оғриган беморлар ўзларига эҳтиёт бўлишлари керак. Кучли таъсир этувчи тиббий дориларни истеъмол қилишдан тийилиб турган маъқул. Игна санчиш билан боғлиқ муолажаларни ҳам кейинга суриб туринг — ноҳуш асоратлари сизни қийнаб қўйиши мумкин.

Тушларингиз ўнгидан келмайди. Бирок келажак ҳақида башоратли бўлиши мумкин.

7 ноябрь — сешанба (Ойнинг 11/12 кунн). Мазкур кеча ва кундуз Ой сайёраси берадиган қувват инсон табиғатига ҳаюҳанг бўлади. Кун гўт оёқшита ўтиши кутулади. Қандайдир салбий эҳтирослар намойиш этиш, жаҳаллатга эрк бериш, дўстларингиз ва ақинларингиз билан «ади-бади» айтишиш тавсия этилмайди. Бугун эҳтиётсизлик билан айтилган сўз ўзингизга зарар келтиради.

Умумий ҳолатингизда сустиқлиқ хис этишиңиз мумкин. Юракка оғирлик туширманг. Инфаркт, инсульт хасталиқлари хуружи рўй бериши мумкин. Спиртли ичимликлардан,

Шанбадан шанбагача: мунажжим тавсиялари

ХАФТАНГИЗ ХАЙРЛИ КЕЛСИН

кучли таъсир этувчи тиббий дорилар истеъмолдан тийилиб турганингиз маъқул. Ошқозон-ичак хасталиқларини даволаш тавсия этилади.

Тушларингиз ёрқин ва ёқимли бўлиб, улар сизни тинчлантиради, асабийликни олади. Куч-гайратга тўлиб уйғонаси.

8 ноябрь — чоршанба (Ойнинг 12/13 кунн). Бугунги куннинг энергетика-ахборот тарихи янги ахборотлар, билимлар олишга қўлай бўлади. Ҳамкорликдаги ҳар қандай ҳаракатлар ва ташаббуслар яхши самара беради. Елғиз қолмасликка ҳаракат қилинг. Жамоа орасида бўлишни талаб қилмаган машғуллар билан шугулланинг. Контракт ва шартномалар тузиш учун бу кун қўлай ҳисобланади.

Қонни тазаловчи муолажалар тавсия этилади. Косметик ва дерматологик жаррохлик операцияларини тавсия этилмайди. Тасом ҳақи килувчи аъзолар нозиклашди. Сурункали шамоллаш, айниқса, томоқ оғриқлари хуруж қилиши мумкин.

Тушларингиз узок вақтдан бери ҳал этолмай қолган муаммоларингиз ечимини айтиб беради.

9 ноябрь — пайшанба (Ойнинг 13/14 кунн). Инсон онгидида меҳр-шафқат ва саховат туйғулари жўш уради. Кўнглингизга хазинлик қуйилиб кетади. Лекин унга берилманг — у теъдда ўтиб кетади. Бошқа нарсалар ҳақида йўлдан, дуолар ўқиб, Аллоҳга илтижо қилинг, яхши қилотиларни ўқинг — маънавий тақомилга, интилиш сизни ноҳуш ҳаёлардан қалқитилади.

Тананингиз совиб кетишига йўл қўймаг. Юракда жаррохлик операциясини бошқа кунга кўчиринг. Юрак хасталиғи билан оғриган беморлар ўзларини эҳтиёт қилишлари керак — инфаркт хуружи хавфи бор. Бўғимлар ва асаб тизими хасталиқларини даволаш яхши натижа беради. Тишларни даволатиш ва сунъийларини қўйдириш ҳам муваффақиятли кечади. Қорин бўшлиғида турли жаррохлик операцияларини тавсия этилади.

Кўрган тушларингиз гамгин бўлиши мумкин. Лекин беэозета бўлманг — улар ўнгидан келмайди.

10 ноябрь — жума (Ойнинг 14/15 кунн). Мазкур кеча-кундуз энергетика таркиби оғир келади. Одам таъсирчанликка мойил бўлиб, бировларнинг гапларига осонгина қирадиган бўлиб қолади. Лекин бундан эҳтиёт бўлиш керак — оқибати хунук бўлиши мумкин. Ўз хатти-ҳаракатларингизни қаттиқ назорат қилинг. Яхшиши — бу кунни холироқ ўтказганингиз маъқул.

Мазкур кеча-кундузда юз-жағ ва пластик операциялар ўтказиш тавсия этилади. Кўрин бўшлиғида жаррохлик операцияларини бошқа вақтга қолдирган маъқул. Буйрақлар ва эндоқрин тизими нозиклашди. Қант хасталиғи билан оғриган беморлар эҳтиёт бўлишлари жоиз. Қант диабетли ҳам ўзларига таъбирларни жоиз. Қант диабетли ичимлик ва баҳдам овқатлардан тийилинг. Таомдан захарланиш хавфи ва аллергия хасталиқлар хуружи эҳтилом.

Тушларингиз башоратли бўлиб, уларни яхши эслаб қолишга интилинг.

